# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 10 октябрь, № 196 (6126) Жума


## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МИНСК ШАҲРИГА КЕЛДИ

*МИНСК, 9 октябрь. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9 октябрь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Минск шаҳрига келди.

МДҲ саммитининг асосий воқеалари 10 октябрь куни бўлади.

Президентимиз Ислом Каримов анъанага мувофиқ давлат раҳбарларининг тор доирада ва кенгайтирилган таркибда ўтказиладиган учрашувларида иштирок этади. Саммит кун тартибидан Ҳамдўстлик давлатлари ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокамаси ўрин олган.

Мажлис якунида МДҲ доирасида турли соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришга йўналтирилган ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилмоқда.

**(ЎзА).**

## ЛАТВИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида 9 октябрь куни Латвия Республикаси Сеймининг ташқи ишлар бўйича қўмитаси раиси Оярс Эрикс Калниньш раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.*

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги ҳамкорлик парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланаётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2013 йил октябрь ойида Латвияга давлат ташрифи ҳамда Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньшнинг шу йил май ойида мамлакатимизга расмий ташрифи изчил тараққий этаётган ўзаро алоқаларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги муносабатлар кўплаб йўналишлар қатори қонун ижодкорлиги соҳасида ҳам изчил равнақ топмоқда. 2010 йилда Латвия Сеймида таъсис этилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан ҳамкорлик бўйича гуруҳ, 2012 йилда Ўзбекистон парламентида ташкил қилинган Латвия Сейми билан ҳамкорлик бўйича гуруҳ мамлакатларимиз ўртасида парламентаризм соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Электрон савдолар

### хусусий тадбиркорлик субъектларига қатор қулайликлар яратмоқда

**ҚАРОР ВА ИЖРО**

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда республика Товар-хом ашё биржаси ҳамкорлигида электрон-аукцион савдоларининг очиқ-ошкоралиги ва уларда кичик бизнес субъектларининг иштирокини таъминлашга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда кейинги йилларда электрон харидлар тизимини ривожлантириш, корпоратив харидларга тадбиркорларни фаол жалб қилиш борасидаги ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда Президентимизнинг 2013 йил 5 апрелдаги “Электрон харидлар тизимини мақбуллаштириш ва улардан тадбиркорлик субъектларининг фойдаланишини кенгайтириш тўғрисида”ги қарори муҳим дастуриламал бўлаётир.

(Давоми 2-бетда).

## БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**Жорий йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Миллий автомагистрали таркибига кирадиган автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш объектларида**

**425 миллиард сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилди.**

Бу маблағ мамлакатимизда йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш ва модернизациялаш бўйича белгилаб олинган вазифалар ижросини жадаллаштириш баробарида, олис манзилларни яқинлаштирувчи юзлаб километр узунликдаги равон йўлларни барпо этиш, мавжудларини қайта реконструкция қилиш имконини берди.

# ИШБИЛАРМОНЛАР УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

### кичик бизнес ривожида ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда

*Наманган туманининг Юқори Ровустон қишлоғида “Nafis tex group” масъулияти чекланган жамияти фаолият кўрсата бошлаганидан буён олти ой вақт ўтди. Ана шу қисқа муддат корхона меҳнат жамоасига қувватларни ўзлаштириш учун етарли бўлди. Ҳозир бу ерда “Rovuston” савдо белгиси остида ўттиздан ортиқ турдаги тикув-трикотаж маҳсулотлари тайёрланмоқда.*

*Таъсисчилар корхонани ташкил этиш учун айнан Ровустон қишлоғини танлашгани бежиз эмас. Негаки, бу ерда саноат инфратузилмаси яхши ривожланган, ҳудуд темир йўлга яқин, электр энергияси, сув таъминоти борасида муаммо йўқ, ишчи кучлари етарли.*

*700 миллион сўмлик инвестиция эвазига келтирилган технологик ускуналарнинг аксарияти Япония, Германия сингари тараққий этган мамлакатларда ишлаб чиқарилган бўлиб, касб-ҳунар коллежларини тамомлаган йигит-қизлар уларни бошқаришни тезда ўзлаштириб олишди.*



Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат.

**ИСЛОҲОТ**

Шундай ёшлардан бири — Синдор Файзиев — анчагина тиришқоқ йигит. Бичув ишларига жалб этилган мутахассис кийимлар андозаларини маҳорат билан тайёрлаб бермоқда. Бунда унга компьютерлаштирилган дастгоҳдан фойдаланаётгани асқатаяпти.

— Бичилиши лозим бўлган либоснинг электрон нусхаси асосида иш олиб бораётганимиз юқори сифатни таъминлабгина қолмай, хом ашёдан чиқитсиз фойдаланиш имкониятини ҳам вужудга келтираяпти, — дейди Синдор. — Натижада қийқим чиқиши меъёрдаги 15 фоиз ўрнига 12 фоизни ташкил этаётир.

Болалар учун мўлжалланган чакмончанинг ён чоки ва енгини тикиш билан шуғулланаётган Муқаддас Ғаффорова Ровустонга қўшни Ирвадон қишлоғидан. У икки йил аввал ҳудуддаги иқтисодиёт касб-ҳунар коллежини тамомлаган эди. Бир муддат уйда касаначилик билан банд бўлди. “Nafis tex group” ишга туширилганини эшитиб, дугоналари билан янги корхонага шошди. Эндиликда зиммасидаги вазифани сидқидилдан уддалаб, кунига 900-1000 та либоснинг енги ва ёқасини тикаяпти.

(Давоми 2-бетда).

# «Буюк Ипак йўлидаги Ўзбекистон: тарих, маданият ва сайёҳлик»

*Яқинда Барселонада юртимизнинг Мадриддаги дипломатия ваколатхонаси ҳамда Испаниянинг Осиё мамлакатлари билан маданий алоқалар институти — “Casa Asia” ҳамкорлигида “Буюк Ипак йўлидаги Ўзбекистон: тарих, маданият ва сайёҳлик” мавзуига бағишланган тадбир ташкил этилди.*

**ЭЪТИРОФ**

Ушбу тадбир Испания шарқшунослари бош котиби, профессор Хесуса Хиланинг Буюк Ипак йўли пайдо бўлиши тарихи ҳамда Ўзбекистоннинг кўҳна Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива сингари шаҳарларининг мазкур тарихий йўлнинг тараққиётидаги ўрнига бағишланган тақдимоти билан бошланди. Тарихчи олим қайд этганидек, карвон йўллари мавжуд бўлган даврларда ушбу шаҳарлар Шарқ ва Ғарбни боғлаб турувчи асосий бўғин ҳисобланган ва улар орқали бутун Евроосиё бўйлаб нафақат қимматбаҳо маҳсулотлар олиб ўтилган, балки ғоялар, билимлар ҳамда фикрлар алмашинувига эришилган.

Буларнинг барчаси замонавий Ўзбекистон ҳудудида илм-фан, маданият, фалсафа, меъморчилик ривожланишига хизмат қилган. Маърузачи Амир Темур ва Темурийлар ҳукмронлиги даврида ўзбек замини халқаро савдо ҳамда сиёсий жараёнлар, маданий алмашувлар ва тамаддунлараро туташув марказига айланганини таъкидлади.

Ўрта асрларда Испания элчиси ва саёҳатчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг Самарқандга дипломатия миссияси ҳамда унинг Соҳибқирон Амир Темур томонидан яратилган қудратли империяси ҳақидаги ҳикоялари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Буюк Ипак йўли мавзуини давом эттирар экан, тарихшунос Фермин Гуисадо тадбир қатнашчиларини ўзбек халқининг ноёб тарихий-маданий мероси ва анъаналари, мамлакатимизнинг табиий ранг-барангли답ари ҳамда диққатга сазовор қадамжолари билан таништирди. У Испания жамоатчилиги вакилларини Ўзбекистонга боришга ва уларнинг барчасини ўз кўзи билан кўришга даъват этди.

Шунингдек, тадбирда мамлакатимиз ҳукумати томонидан сайёҳлик салоҳиятини ривожлантириш, ноёб меъморий ёдгорликларни қайта тиклаш ҳамда таъмирлаш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Маълумки, мазкур ёдгорликларнинг аксарияти ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатидан жой олган.

(Давоми 4-бетда).

**САЙЛОВ — 2014**

*Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўйича сайлов кампанияси қизғин паллага кирди.*

# Сиёсий партияларга парламент сайловида иштирок этишга ижозат берилди

Мазкур жараённинг асосий тамойили қонунийликни таъминлаш бўлиб, Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов қонунчилигига қатъий амал қилган ҳолда 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ҳамда изчил амалга оширилмоқда. Ҳужжатда юртимизда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг барча босқичлари тўлиқ қамраб олинган.

Кеча 2014 йилги сайловларни ёритиш бўйича Республика матбуот марказида мамлакатимиз ва чет эл журналистлари учун матбуот анжумани ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг раиси М. Абдусаломов журналистларга сайлов округларини ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини шакллантириш ишлари, сиёсий партияларнинг парламент сайловида иштирок этишига ижозат бериш ҳақида маълум қилди.

Матбуот анжуманида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасига биноан парламент Қонунчилик палатасига сайлов бир юз ўттиз бешта ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида ўтказилиши таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

# Корпоратив қонунчиликни такомиллаштириш масъулияти

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди томонидан Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази ва Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) билан ҳамкорликда “Судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал қилиш амалиёти ва корпоратив қонунчиликни такомиллаштиришнинг замонавий тенденциялари: миллий ва хорижий тажриба” мавзуида халқаро давра суҳбати ўтказилди.

**ДАВРА СУҲБАТИ**

Унда парламент аъзолари, Олий хўжалик суди, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти хўжалик суди судьялари, Олий суд, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги вакиллари, республикамизнинг йирик акциядорлик жамиятлари раҳбарлари, корпоратив ҳуқуқ соҳаси олимлари ҳамда мутахассислари, шунингдек, хорижий экспертлар иштирок этди.

(Давоми 3-бетда).




# Саноатбоп ва харидоргир

Пахтачилик тармоғида самарадорликнинг юқори бўлиши кўп жиҳатдан парваришланаётган ғўза навига боғлиқ. Чунки пахта толаси рангининг тиниқлиги, пишиқлиги ва узунлиги, қисқача айтганда, сифат кўрсаткичларининг юқори бўлиши, аввало, нав хусусиятларига бориб тақалади. Шу боис Президентимиз томонидан истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ селекционер олимлар олдига ҳар бир вилоятнинг тупроқ-иқлим шароитига мос, ҳосилдор, тезпишар, турли касаллик ва зараркунандаларга чидамли, шунингдек, тола сифати жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган ғўза навларини яратиш вазифаси қўйилди.

ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

*Маълумки, яқинда "Тижорат сири тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни матбуотда эълон қилинди ва кучга кирди. Ушбу Қонун мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришда долзарб аҳамиятга эгадир.*

# Тижорат сирининг ҳуқуқий кафолати

Зотан, юртимизда бозор муносабатлари чуқурлашиб, хўжалик юритувчи субъектлар сони кўпайиб, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқлари жадал ривожланмоқда. Пировардида иқтисодиётимизнинг барқарор, юқори суръатлар билан ўсиши таъминланаётир. Бугун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари Ўзбекистоннинг ишлаб чиқариш салоҳиятида, меҳнатга лаёқатли аҳоли асосий қисми банд бўлган иш ўринларининг барқарор сақланиши ҳамда долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг ўз вақтида ҳал этиб борилишида етакчи кучга айланди. Бу эса, ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида тижорат сирини ташкил қилувчи ахборот ресурслари бошқа моддий ва интеллектуал активлар сингари салмоқли ўрин эгаллаётганидан далолатдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, "Тижорат сири тўғрисида"ги Қонун қабул қилингунга қадар мазкур соҳадаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни ҳамда бир қатор бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиниб келинаётган эди. Бироқ уларда соҳадаги ҳуқуқий ёндашувлар турли-туман бўлиб, тижорат сирини ҳимоя қилиш институтининг мазмуни бир хилда ўз ифодасини топмаганди.

Қонунни қабул қилишда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормалари ҳисобга олинди, қатор хорижий мамлакатлар қонунчилик тажрибаси чуқур ўрганилди. "Тижорат сири тўғрисида"ги Қонун миллий қонунчилигимизнинг илғор тажрибаси ҳамда замонавий халқаро ҳуқуқий нормалар уйғунлигига асосланган, тижорат сирини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадини ўзида мужассам этган.

Қонунда "тижорат сири", "тижорат сирининг махфийлиги", "тижорат сирининг мулкдори", "конфидент", "тижорат сирини ошкор этиш" ҳамда "тижорат сири режими" каби тушунчаларнинг мазмун-моҳияти очиб берилди. Хусусан, "тижорат сири" деганда учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли фан-техника, технология, ишлаб чиқариш, молия-иқтисодиёт ҳамда бошқа соҳаларда тижорат қимматига эга бўлган, қонуний асосда эркин фойдаланилмайдиган ахборот тушунилади. Тижорат сирининг махфийлиги унинг тарқалиб кетиши, ошкор этилиши ва ундан рухсатсиз фойдаланилиши хавфсизлиги таъминланганлиги ҳолатидир.

Ўз навбатида, тижорат сирининг мулкдори тижорат сирига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этишни амалга оширувчи ва унга нисбатан тижорат сири режимини ўрнатган юридик ёки жисмоний шахс ҳисобланади. Конфидент эса тижорат сирини унинг мулкдори билан тузилган шартнома асосида эгалик қилишга ва фойдаланишга олган юридик ёки жисмоний шахсдир.

Қонунда тижорат сирига доир талаблар ҳам мустаҳкамланган. Унга кўра, тижорат сири учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли ўз мулкдори учун ҳақиқий ёки потенциал тижорат қийматига эга бўлиши, қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳаммага маълум ёки ҳамма учун очиқ бўлмаслиги, махфийлиги муҳофаза қилиш чора-тадбирлари билан таъминланиши, давлат сирлари ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сир белгиларига эга бўлмаслиги каби талабларга мос бўлиши керак.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатда тижорат сирини ташкил этиши мумкин бўлмаган маълумотлар билан бирга, тижорат сири мулкдорининг ҳуқуқлари ҳам белгилаб берилган. Унга кўра, тижорат сири мулкдорининг ҳуқуқлари мулкдор томонидан ахборотга нисбатан тижорат сири режими ўрнатилган пайтдан эътиборан вужудга келади.

Қонунда, шунингдек, тижорат сири режимини ўрнатиш, тижорат сири режимини ўзгартириш ёки бекор қилиш, тижорат сирини муҳофаза қилиш чора-тадбирлари, тижорат сирини меҳнат муносабатлари жараёнида муҳофаза этиш, меҳнат муносабатлари жараёнида тижорат сиридан фойдаланишни бекор қилиш учун асослар каби нормалар ҳам ўз аксини топди.

Меҳнат муносабатлари жараёнида тижорат сиридан фойдаланиш бекор қилиниши мумкин. Бунга меҳнат шартномаси (контракт) ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартноманинг бекор қилиниши, тижорат сирини ошкор этмаслик бўйича олинган мажбуриятларнинг бузилиши кабилар асос бўлиши мумкин. Бироқ бу жараён ходимни тижорат сирини ошкор этмаслик бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятдан озод қилмайди.

Шу билан бирга, Қонунда тижорат сири унинг мулкдори томонидан конфидентга топширилганда тижорат сирини муҳофаза қилиш, тижорат сирини тақдим этиш, тижорат сирини тақдим этишда унинг махфийлигини таъминлаш, тижорат сири билан судда таништириш чегаралари ҳам мустаҳкамланди. Хусусан, суд муҳокамаси чоғида судни ва ишда иштирок этувчи шахсларни тижорат сири билан таништиришга тижорат сирининг мулкдори ёки конфидент даъвогар ёхуд жавобгар сифатида иштирок этаётган низонинг мазмунига бевосита тааллуқли бўлган қисми бўйича йўл қўйилади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш керакки, "Тижорат сири тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши хўжалик юритувчи субъектларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, тижорат сирини ноҳалол рақобатдан ҳимоя қилиш, хўжалик юритувчи субъект тижорат сирининг мулкдори сифатида тегишли ҳуқуққа эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш ваколатларини амалга оширишда, шунингдек, бошқа бу каби соҳалардаги муносабатларни тартибга солишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

**Зафар РЎЗИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими.**

# Сиёсий партияларга парламент сайловида иштирок этишга ижозат берилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Журналистларга Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини ташкил этиш ҳақида маълумот берилди. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 16-моддасига мувофиқ, округ сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида кенг муҳокамадан ўтишди ҳамда Марказий сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилди. Бу борада Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарори қабул қилинди. Қонунга асосан, округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан комиссиянинг раиси, раис ўринбосари, котиби ва камида олти нафар бошқа аъзосидан иборат таркибда тузилади. Округ сайлов комиссиялари жамоатчиликнинг обрўли вакилларидан иборат таркибда уларнинг иш ва профессионал сифатлари, шунингдек, давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларда иштирок этиб, тажриба орттиргани ҳисобга олинган ҳолда шакллантирилди. Округ сайлов комиссиялари аъзоларининг рўйхати комиссиялар манзили ва телефон рақамлари кўрсатилган ҳолда матбуотда эълон қилинади.

— Сайловларга тайёргарлик кўриш жараёнида округ сайлов комиссиялари аъзолари билимларини оширишга алоҳида эътибор қаратилади, — деди Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов. — Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, мамлакатимиз сайлов қонунчилигини чуқур ўрганиб чиқиш, сайловларни қонунчиликка қатъий амалга қилган ҳолда ўтказиш муҳим аҳамият касб этади.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддасига мувофиқ, мамлакатимизда фаолият юритаётган барча сиёсий партиялар Марказий сайлов комиссиясига парламент сайловида иштирок этиш учун зарур ҳужжатларни — партия раҳбари томонидан имзоланган сайловда қатнашиш тўғрисидаги ариза, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида тўрт ой олдин рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи маълумотномаси ва сайловчиларнинг сиёсий партиянинг сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи имзо варақаларини тақдим этди.

Ҳар бир партия сайловда уни қўллаб-қувватлайдиган сайловчиларнинг камида қирқ мингта имзосини тўплаши, бунда мамлакатимизнинг битта маъмурий-ҳудудий тузилмасида тўпланган имзолар сони талаб этилган имзолар сонининг саккиз фоизидан ошмаслиги лозим эди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан сиёсий партиялар тақдим этган имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш учун ишчи гуруҳ тузилди. Унинг таркибига ички ишлар органлари, адлия органлари, шунингдек, аҳолини ҳисобга олиш билан шуғулланувчи муассасалар мутахассислари жалб қилинди. Имзо варақаларини кўриб чиқишда сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари қатнашди.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, партиялар томонидан тақдим этилган материалларни ўрганиш якунлари партияларни қўллаб-қувватлайдиган сайловчиларнинг имзоларини тўплаш сайлов қонунчилиги талабларига тўлиқ мувофиқ ҳолда амалга оширилганидан далолат беради.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловида иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида қарорлар қабул қилди.

Шунингдек, Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар сайловида иштирок этиши ҳақидаги қарори маълумот учун қабул қилинди.

Матбуот анжуманида мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари Ўзбекистонда сайловларни ташкил этиш билан боғлиқ ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар.

**Қобил ХИДИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

МОДЕРНИЗАЦИЯ

*Юқори технологияли саноат тармоқларини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан биридир. Натижада импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш ҳажми йил сайин ошиб бормоқда.*



# Сифат ва самарадорлик — асосий мезон

Фармацевтика саноатида эришилаётган ютуқлар ана шундан далолат беради. Дарҳақиқат, бугунги кунда юртимизда мазкур соҳага ихтисослаштирилган 140 дан ортиқ корхоналар фаолият кўрсатаётган бўлса, уларда 2 минг номдаги дори воситалари ишлаб чиқарилаяпти. Мазкур субъектларда энг замонавий технологик линиялар ўрнатилгани, халқаро сифат бошқаруви менежменти жорий қилингани эса уларнинг ташқи бозорга чиқиш имкониятларини янада кенгайтирмоқда. Айни пайтда 20 га яқин фармацевтика корхонаси ўз маҳсулотларини экспорт қилаётгани буннинг тасдиғидир.

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган "Nika Pharm" шўъба корхонаси — шулардан бири. 2006 йилда ишга туширилган ушбу хўжалик юритувчи субъектда ўтган қисқа давр ичида еттита бренд остида кўплаб турдаги дори-дармонлар тайёрлаш ўзлаштирилиб, улар юртимиздан ташқари, яна саккизта давлатдаги буюртмачиларга пешма-пеш етказиб берилаяпти. Бошқача айтганда, бугунги кунда корхона йилига 757,6 миллион дона таблетка, 59,2 миллион дона капсула, 48,2 миллион дона флакон ва 2,9 миллионта пакетли дори тайёрлаш қувватига эга.

— Маҳсулотлар турини кўпайтириш ва уларни мунтазам янгилаб бориш 115 кишилик жамоамизнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади, — дейди "Nika Pharm" шўъба корхонаси директори Темур Ҳамидов. — Шу мақсадда изланиб, муайян ютуқларга эришаяпмиз. Ҳозирги кунда 20 дан ортиқ янги дори воситаларимиз рўйхатдан ўтказилиб, ишлаб чиқариш арафасида турганлиги бунинг ёрқин далилидир. Ички бозорда муқобили бўлмаган янги маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйишимизда соҳага қаратилаётган алоҳида эътибор, яратиб берилаётган қулай шарт-шароитлар муҳим омил бўлмоқда, албатта.

Яқинда корхонада яна бир янги замонавий технологик линия ишга туширилди. Корхона директори ўринбосари Шадия Курмукованинг айтишича, бу линия ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш имкониятини яратади. Негаки, унинг ёрдамида йилига қўшимча равишда 5,35 миллион АҚШ долларилик маҳсулот тайёрлаш мумкин.

Чиндан ҳам, "Nika Pharm" ёрлиғи туширилган дори воситаларига бўлган талаб тобора ошиб бораяпти. Аҳил жамоа томонидан ишлаб чиқарилган дори-дармонлар ҳажми 2011 йилда 28,2 фоиз, 2012 йилда 29,1 фоиз, 2013 йилда эса 35,2 фоиз ўсгани шундай дейишимизга асос бўла олади.

Бугунги кунда корхона Австрия, Германия, Швейцария, Бельгия, Хитой, Ҳиндистон каби кўплаб хорижий давлатларнинг дунёга машҳур компаниялари билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Пировардида кўплаб илғор инновацион лойиҳалар амалиётга муваффақиятли татбиқ қилинди. Муҳими, хом ашё ва материаллар сифати, ишлаб чиқаришнинг турли босқичларидаги технологик жараёнлар Сифат назорати бўлимининг жиддий назорати остида. Бунда бўлимнинг физик-кимёвий ва микробиологик лабораториялари энг сўнгги русумдаги жиҳозлар билан таъминлангани қўл келаяпти.

Қисқача айтганда, "Nika Pharm" шўъба корхонаси сингари ишлаб чиқариш субъектлари эришаётган ютуқлар Ўзбекистонда фармацевтика саноати жадал суръатларда ривожланиб бораётганидан далолатдир.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# Электрон савдолар

## хусусий тадбиркорлик субъектларига қатор қулайликлар яратмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Чунки мазкур ҳужжат асосида табиий монополия субъектлари, давлат улуши устувор бўлган корхона ёки ташкилотларнинг электрон харидлари бўйича Ҳукумат комиссияси ишчи органининг вазифалари белгилаб берилган ва республика Товар-хом ашё биржасида уларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш тўғрисидаги низомлар тасдиқланган эди. Бу эса, ўз навбатида, монополия субъектлари, давлат унитар корхоналари ва устав фондида 50 фоиздан ортиқ давлат улуши бўлган хўжалик субъектларига товар ва хизматларнинг харид қилиниш жараёнини очиқ-ошкора ўтказиш имконини бермоқда. Айниқса, харид қилинаётган товар ва хизматларнинг нархлари етказиб берувчилар ўртасида соф рақобат шароитида шакллантирилаётгани диққатга сазовордир.

Шунингдек, буюртмачи корхоналар томонидан рақобатни чекловчи талабларни киритиш тақиқланиб, дастлабки эълон жойлаштирилишининг мажбурий талаби корпоратив харидлар учун 15 кун этиб белгиланганы электрон савдолардаги буюртмаларга салоҳиятли етказиб берувчилар сонини сунъий равишда чеклаш имконини бермайди. Ғолиб эса автоматик тарзда аниқланади. Буларнинг бари бирор бир ташкилот ёки корхонанинг мансабдор шахслари савдога тўсқинлик қилишига, етказиб берувчилар билан олдиндан келишиб олинишига, бошқача айтганда, жараёнда инсон омили аралашувига йўл қўймайди.

Натижада жорий йилнинг тўққиз ойида корпоратив харидлар бўйича ўтказилган электрон савдолар ҳажми 263,2 миллиард сўмга етиб, бошланғич нархларнинг пасайиши ҳисобига 49,4 миллиард сўм миқдорида маблағ тежаб қолинди. Қолаверса, шу давр ичида корпоратив харидлар электрон тизимидан 3 мингта буюртмачи ва 9 мингдан зиёд етказиб берувчилар аккредитациядан ўтгани, уларнинг 93 фоизи тадбиркорлик субъектлари эканлиги, тузилган битимларнинг 96 фоизи ушбу соҳа вакиллари ҳиссасига тўғри келаётгани ҳам ана шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Бугунги кунда корпоратив харидлар бўйича ўтказилаётган электрон савдолардаги ҳар бир талабномага ўртача 5 та таклиф келиб тушмоқда. Айрим буюртмаларга эса 30 дан ортиқ етказиб берувчилар ўз таклифларини беришмоқда. Шундан келиб чиқиб, "ЎзРТХБ" акциядорлик жамияти мутасаддилари электрон савдолар йўналишида буюртмачи ва етказиб берувчиларга қўшимча қулайликлар яратиш устида изланишлар олиб бораяпти. Бундан кўзланган асосий мақсад эса савдолар самарадорлигини ошириш ва бозорда соғлом рақобат муҳитини янада ривожлантиришдан иборатдир.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЛАТВИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Учрашувда икки мамлакат қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Музокарада меҳмонларга мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар ҳақида маълумот берилди.

— Латвия Ўзбекистонни минтақадаги муҳим мамлакат, ишончли ҳамкор, деб билади, — деди О. Калниньш. — Латвия билан Ўзбекистон ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Мазкур учрашув Латвия билан Ўзбекистон ўртасида парламентаризм соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш истиқболлари юзасидан атрофлича фикр алмашиш учун қулай имконият бўлди.

Латвия делегацияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Ташқи ишлар вазирлигида ҳам учрашувлар ўтказди.

**И. УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ИШБИЛАРМОНЛАР УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

## кичик бизнес ривожида ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Қизларимизнинг ҳар бири ўз юмушини маромига етказиб бажаради, — дейди корхона раҳбари Абдулҳамид Раҳимов. — Маҳсулотимизнинг харидоргирлиги шундан. Бу яқинда "Ўзэкспомарказ"да ўтказилган "TextilExpo Uzbekistan — 2014" халқаро кўргазмасида ҳам ўз исботини топди. Тадбирда иштирокчилар эътиборига ҳавола қилинган 32 турдаги либосларимизга кўпчилик катта қизиқиш билдирди. Улардан анчагина таклифлар ҳам тушди.

Эндиликда барқарор иш фаолиятини йўлга қўйиб олган қишлоқ фабрикаси жамоаси ўтган олти ой ичида 700 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрлашга муваффақ бўлди. Ҳозир кичик бизнес субъекти экспорт амалиётларини йўлга қўйиш ҳаракатида. Жумладан, Молдова, Беларусь Республикаси давлатларидаги ҳамкорлар билан тузилган шартномаларга мувофиқ, дастлабки туркумдаги маҳсулот ташқи бозорга жўнатиш учун шай қилиб қўйилди.

Бугунги кунда 193 киши меҳнат қилаётган корхона аҳлининг истиқболдаги режалари катта. Чунончи, яқин вақт ичида лойиҳанинг иккинчи босқичи амалга оширилиб, асосий хом ашё — трикотаж матосини шу ернинг ўзида тўқиш йўлга қўйилади. Ундан кейинги босқичда бўёқпардозлаш цехини ишга тушириш мўлжалланган. Кўриниб турибдики, тез орада бутун бир ишлаб чиқариш мажмуасини ўз ичига олган замонавий корхона барпо этилади.

"Nafis tex group" сингари корхоналар вилоятда кичик бизнес соҳаси тараққиётига муносиб улуш қўшмоқда. Ўз навбатида, бу соҳа иқтисодиётнинг мустаҳкам таянчига айланиб бораётир. Буни, жумладан, жорий йилнинг биринчи ярмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотидаги улуши 66,6 фоизга етганида кўриш мумкин.

— Вилоятда тадбиркорликни янада ривожлантириш, хорижий шериклар билан ишбилармонлик алоқаларини мустаҳкамлаш, маҳаллий товарлар ва хизматларни ташқи бозорга олиб чиқиш мақсадида чет элдан илғор технологияларни жалб қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратаяпмиз, — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Муҳаммадаюб Оппоқов. — Натижада истеъмол бозори тўкинлигини таъминлашга ҳиссасини қўшаётган ҳамюртларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда. Айни чоғда уларнинг 1563 таси палатамиз аъзосидир.

Маълумки, ишлаб чиқаришга замонавий технологияни жорий этмай туриб, кўзланган натижага эришиш қийин. Хўш, ҳали фаолият бошлаш арафасида турган кичик бизнес субъекти ушбу вазифанинг уддасидан осонлик билан чиқа оладими? Шундай паллада палата ходимлари тадбиркорнинг яқин кўмакдошига айланадилар. Масалан, кейинги пайтларда бошқарма томонидан 12 та тадбиркорлик субъекти вакилининг ХХР, АҚШ ва Германия давлатларида ўтказилган халқаро кўргазма ҳамда ярмаркаларда иштирок этишига амалий ёрдам кўрсатилди. Уларда қатнашган тадбиркорларимиз илғор минитехнологияларни сотиб олиш, ўз маҳсулотларини экспортга йўналтириш, қўшма корхоналар ташкил этиш юзасидан келишувларга эришишди. Ўндан зиёд субъект эса хорижий давлатлардан умумий қиймати 1,2 миллион АҚШ долларилик минитехнологиялар олиб келиб, ишга туширди. Бундан ташқари, кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган 7 миллион 665,2 минг АҚШ доллари миқдоридаги тикувчилик, тўқимачилик маҳсулотлари, тери ҳамда қайта ишланган мева-сабзавотларнинг экспорт қилинишига амалий ёрдам кўрсатилди.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиз бошқарма фаолиятининг айрим қирраларидан кичик бир мисол, холос. Масаланинг муҳим жиҳати шундаки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг бошқармага ишончи ортиб, устувор вазифалар ижросини таъминлаш, муаммоларни ҳал этишда унинг хизматидан кенг фойдаланилмоқда. Зеро, танланган тўғри йўл ва маслаҳатлар катта муваффақиятлар учун асос бўлиши, шубҳасиз.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



Брюсселдаги "Ренессанс" меҳмонхонасининг тантанали қабул маросимлари залида "Ўзбекистоннинг истиқлол йилларида қўлга киритган муваффақиятлари" мавзуида тақдимот маросими бўлиб ўтди.

# Корпоратив қонунчиликни такомиллаштириш масъулияти

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Маълумки, мамлакатимиз мустақил тараққиётининг дастлабки босқичида бозор иқтисодиётининг асосларини, аввалambор, қонунчилик базасини шакллантириш учун шароит яратишга алоҳида аҳамият қаратилди. Бу борада амалга оширилган кенг қамровли ишлар натижасида хусусий мулкнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш устувор вазифага айланди. Айни чоғда Конституциямизда хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлигининг белгилаб қўйилганлиги юртимизда тадбиркорликнинг кенг ривожланишида, иқтисодий барқарорликка эришишимизда, энг муҳими, аҳоли фаровонлигини оширишда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар бугунги кунда Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизими самарали йўлга қўйилгани, акциядорлик жамиятлари ва уларнинг акциядорлари сони жадал ўсиб бораётганини қайд этишди. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида қабул қилинаётган қонунлар ушбу фаолиятни тараққий эттириш, иқтисодиётимизни янада либераллаштириш ва модернизация қилишда, шак-шубҳасиз, муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Чунончи, 2014 йил 6 майда янги таҳрирда қабул қилинган “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун ана шулардан бири бўлиб, мазкур ҳужжатда корпоратив бошқарув ва назорат органларининг ваколатлари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги янада аниқ белгилаб қўйилди. Акциядорлик жамиятларининг кузатувчилар кенгашлари, умумий йиғилишлари, тафтиш комиссияларининг роли ва аҳамияти оширилди. Миноритар, яъни қўлида акцияси кам бўлган акциядорларнинг кафолатларини кўпроқ таъминлаш, барча акциядорларни ва бўлажак инвесторларнинг акциядорлик компаниялари фаолияти тўғрисида ахборот олиш имкониятларини кенгайтириш кўзда тутилди.

Шунингдек, 2013 йил 30 апрелда имзоланган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун билан Хўжалик процессуал кодексининг 23-моддасига қўшимчалар киритилиб, тегишли иштирокчилар ўртасида, иштирокчилар билан хўжалик ширкатлари ва жамиятлари ўртасида, шу жумладан, акциядорлар ўртасида, акциядор билан акциядорлик жамияти ўртасида хўжалик ширкатлари ва жамиятлари фаолиятидан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар (бундан меҳнатга оид низолар мустасно) хўжалик судларида кўрилиши белгиланди. Бунда мазкур ишлар низо вужудга келган ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси ташкилот ёки жисмоний шахс бўлишидан қатъи назар, хўжалик суди томонидан кўриб чиқилиши алоҳида қайд этилди.

Ўз навбатида, хўжалик судларига корпоратив низоларни кўриб чиқиш ҳуқуқининг берилиши ушбу тоифадаги ишларнинг тааллуқлилиги муаммосини ҳал этиб, уларни янада сифатли ва тез кўриб чиқиш, мазкур соҳада ягона суд амалиётини шакллантириш имконини берди.

Давра суҳбатида Ўзбекистонда корпоратив ҳуқуқ ва қонунчиликни такомиллаштириш масалалари ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида вужудга келаётган айрим камчиликлар ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Шунингдек, бу борада чет эл қонунчилигининг ижобий жиҳатларини миллий қонунчиликка татбиқ этиш юзасидан соҳа мутахассислари, судьялар ва хорижий экспертлар ўртасида ўзаро фикр ҳамда тажриба алмашилди.

— Тадбир давомида Ўзбекистондаги корпоратив қонунчилик, корпоратив муносабатлар, уларни такомиллаштириш масалалари хусусида фикр алмашдик, — дейди Германия Федерал молия суди судьяси Франческа Верт. — Сўзга чиққан соҳа мутахассислари, олимлар, экспертлар томонидан мамлакат инвестициявий салоҳиятини оширишга хизмат қилувчи корпоратив қонунчилик, корпоратив низолар бўйича олиб борилган суд амалиётлари таҳлили тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилди. Ўйлаймизки, келгусида ҳамкорлигимиз янада самарали давом этади бу, ўз навбатида, амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, соҳадаги қонунчиликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Давра суҳбатида корпоратив қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# Иккиламчи хом ашё қайта ишланади

“Янгиер пласт” масъулияти чекланган жамиятида тайёрланаётган полиэтилен қувурларни серқатнов автойўллар остига ҳам ётқизиш мумкин.

ИНТИЛИШ

Гап шундаки, сув тармоқлари учун мўлжалланган бундай маҳсулотлар юк кўтаришга чидамли бўлиб, металл турдошларидан асло фарқ қилмайди.

Шунингдек, улар зах жойларда ҳам узоқ вақт яроқлилигини йўқотмайди. Айни пайтда корхонада 9 турдаги ва турли қалинликдаги ана шундай қурилиш-коммуникация материали ишлаб чиқарилмоқда. Эътиборлиси, қувурларнинг аксарият қисми мижозлар талаби ва таклифлари асосида тайёрланаяпти. Натижада корхона маҳсулотларининг харидорлари кўпайиб, ишлаб чиқариш ҳажми кенгаймоқда.

Хусусан, яқинда иккиламчи хом ашёни қайта ишлаш цехи фойдаланишга топширилиши туфайли қувурлар таннархи янада арзонлашди. Қолаверса, мазкур лойиҳа атроф-муҳит муҳофазасини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Тошкент вилоятида бу йил ўн минг тонна балиқ овланади

*Ўтган йили Тошкент вилоятидаги табиий ва сунъий ҳавзалардан 7 минг тоннадан зиёд балиқ овланган эди. Жорий йил якунига қадар эса, бу кўрсаткич 10 минг тоннадан кам бўлмаслиги кутилмоқда.*

ХАЗИНА

Гап шундаки, жорий йил балиқчиликка ихтисослаштирилган хўжаликлар сони қарийб бир ярим баробар кўпайди. Улар тасарруфидаги 4 минг 860 гектар ҳавзага кўкламда чавоқлар ташланган эди. Айни пайтда кутилганидек тош босаётган балиқлар овланиб, пешма-пеш махсус савдо шохобчаларига етказиб берилаётир.

Аҳолининг ушбу парҳез таомга бўлган эҳтиёжини қондиришга Ўрта Чирчиқ туманидаги “Азиз Диёр балиқ” фермер хўжалиги ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Хўжалик раҳбари Азиз Файзуллаев тижорат банкининг 100 миллион сўмлик кредити ҳисобидан 24 гектар майдонда сунъий ҳавза барпо этди. Бу янги тармоқ орқали қўшимча даромад олишга эришилиши баробарида, 10 га яқин иш жойлари ташкил қилинди. Шу кунгача хўжалик аъзолари истеъмолчиларга қарийб 30 тонна луқмаи ҳалол етказиб бердилар.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЭЪЛОНЛАР

«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Янгийўл тумани СИБ томонидан 2013 йил 10 октябрдаги 11-1332/9830-сонли ва 2014 йил 17 февралдаги 11-1302/15157-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Лаззат кўчаси, 1-уйда жойлашган, 0008-литердаги, жами қурилиш майдони 1116,92 кв.м., қаровсиз, таъмирталаб ҳолдаги нотуржой биноси қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 134 937 000 сўм.*

Аукцион савдоси 2014 йил 23 октябрь куни соат 12.00 да ўтказилади.

Тошкент вилояти, Янгийўл тумани СИБ томонидан 2014 йил 3 июлдаги 10-1410/8286-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Туябўғиз маҳалласида жойлашган, умумий қурилиш майдони 413,80 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган, таъмирталаб ҳолдаги дўкон бино ва иншоотлари қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 118 750 000 сўм.*

Аукцион савдоси 2014 йил 24 октябрь куни соат 12.00 да ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан талабгорлар тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «New estate action» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» Мирообод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 302373151.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (8-371) 254-69-13.**

1625А/1090

Хизматлар лицензияланган

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

2014 йил 28, 30 октябрь ва 4, 6 ноябрь кунлари бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

**Очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг қуйидаги хўжалик жамиятлари устав фондидаги 100% банк улушлари қайта қўйилмоқда:**

| Т/р | Объект номи | Сотилаётган объект | | Аукционга қўйилаётган объектнинг бошланғич баҳоси | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | манзили | асосий фаолият йўналиши | сўм | АҚШ доллари |
| 1. | «ASIA PIPEPLAST» МЧЖ | Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Паркент кўчаси, 327-«Б» уй | Шиша толали қувурлар ишлаб чиқариш | 45 635 559 919,47 | 20 013 138,70 |
| 2. | «REGISTON PLAZA» МЧЖ | Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Шоҳруҳ кўчаси, 53-уй | Меҳмонхона хизматлари кўрсатиш | 42 967 000 000,0 | 18 842 861,40 |
| 3. | «XORAZM PALACE» МЧЖ | Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Беруний кўчаси, 2-уй | Меҳмонхона хизматлари кўрсатиш | 24 008 000 000,0 | 10 528 531,58 |
| 4. | «TOSHKENT QOG‘OZI» МЧЖ | Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 23-уй | Қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 29 198 000 000,0 | 12 804 567,86 |
| 5. | «KOSON TEXTILE» МЧЖ | Наманган вилояти, Косонсой шаҳри, Мираҳмедов кўчаси, 28-уй | Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 1 663 864 000,0 | 729 675,30 |
| 6. | «KURGAN TEX» МЧЖ | Андижон вилояти, Жалақудуқ тумани, Ойим қишлоғи, Мадаминов кўчаси, 46-уй | Калава ип ва мато ишлаб чиқариш | 40 439 253 000,0 | 17 734 336,57 |
| 7. | «NUKUS TEXTILE» МЧЖ | Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, «Нукус-Тўрткўл» магистрали | Калава ип, мато ва тайёр трикотаж маҳсулотлари ҳамда тиббиёт бинти ишлаб чиқариш | 12 581 279 000,0 | 5 559 729,64 |
| 8. | «TO‘YTEPA TEKSTIL» МЧЖ | Тошкент вилояти, Тўйтепа шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 2-«А» уй | Калава ип ва газлама ишлаб чиқариш | 57 710 000 000,0 | 25 308 295,47 |
| 9. | «MARG‘ILON BO‘YOQ TEKSTIL» МЧЖ | Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 400-уй | Матони оқартириш ва бўяш | 7 752 752 000,0 | 3 399 912,29 |
| 10. | «EASTBRICK» МЧЖ | Қашқадарё вилояти, Қамаши тумани, «Қизилтепа» ҚФЙ | Ғишт ишлаб чиқариш | 2 845 645 000,0 | 1 322 012,44 |

**Очиқ аукцион шартлари.**

Аукцион ғолиби улуш сотилиш баҳосининг 15 фоизи миқдоридан кам бўлмаган маблағни аукцион ўтказилганидан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Аукционда сотилаётган объектлар бўйича сотиб олиш учун тўловлар бир йўла ёки сотиб олиш суммасининг қолдиғига фоизлар ҳисобланмасдан бўлиб-бўлиб, шунингдек, сотиб олиш учун тўловлар тўлиқ тўлангунга қадар объектни ўзгага бериш ва учинчи шахсларга гаровга (ипотекага) қўйиш ҳуқуқисиз (сотувчи — «Ўзмиллийбанк» бундан мустасно) тўланади.

Сотиб олиш учун тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш муддати 7 (етти) йилдан ошмаслиги лозим.

Объект фаолиятни тиклаш мақсадида киритилган маблағлар харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлаб берилиши шарти билан сотилади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминотини қоплаш билан боғлиқ барча харажатлар (шу жумладан, нотариусда тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва суғурталаш), аукцион ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловлар, аукцион ташкилотчисининг аукционни ўтказиш билан боғлиқ харажатлари ҳамда юзага келадиган бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгор қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:**

- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, шунингдек, аукционда иштирок этиш учун ваколатли вакил номига, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- жисмоний шахслар учун — паспорт (истиқомат гувоҳномаси) нусхаси, аукционда ваколатли вакил қатнашган тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- аукцион тўғрисида эълонда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

Аукционда иштирок этиш истагидаги талабгорлар «Asia Pipeplast» МЧЖ, «Registon Plaza» МЧЖ, «Xorazm Palace» МЧЖ, «Toshkent Qog‘ozi» МЧЖ, «Koson Textile» МЧЖ, «Kurgan Tex» МЧЖ, «Nukus Textile» МЧЖдаги улушлар бошланғич баҳосининг 5 фоизи миқдоридаги, «Marg‘ilon Bo‘yoq Tekstil» МЧЖ, «Eastbrick» МЧЖдаги улушлар бошланғич нархларининг 10 фоизи миқдоридаги ҳамда «To‘ytepa Tekstil» МЧЖдаги улуш бошланғич баҳосининг 2 фоизи миқдоридаги закалат пулини «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 20208000704923918001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Аукционда иштирок этиш учун буюртманомаларни қабул қилиш аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган санадан бошланади ва савдо бошланишидан камида уч соат олдин тўхтатилади.

Ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар билан яқиндан танишиш истагида бўлган талабгорлар уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

Очиқ аукцион савдоси белгиланган кунлари соат 11-00 да бошланади ва Тошкент шаҳри, Мирообод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали) манзилида бўлиб ўтади.

**Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:
Сотувчи (банк): Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй, телефонлар: (8-371) 234-11-22, 234-15-60.
Тел./факс: (8-371) 234-43-31.
Аукцион ташкилотчиси: Тошкент шаҳри, Мирообод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона, телефон: (8-371) 233-02-49.
Тел./факс: (8-371) 233-23-40.
Электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru.**

1621А/40

Гувоҳнома № 005357.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Мобиль телефонлари ишлаб чиқаришда етакчи саналган “hTC” компанияси янги қурилмасини намойиш этди.*

# Сувда ҳам ишлайди



Мазкур смартфон замонавий ва энг сўнгги технологиялар билан жиҳозланган. Жумладан, у 13 мегапиксель ҳажмдаги камерага эга. Айтиш жоизки, бундай камера ҳар қандай профессионал фотоаппаратлар билан рақобатга кириша олади.

Мобиль қурилманинг видеотасвирга олиш хизматида ҳам кўплаб қулайликлар мавжуд. Хусусан, смартфоннинг экрани 5,2 дюймли бўлиб, энг юқори сифатли (Full HD) видеомаҳсулотларни бемалол қўллаб-қувватлайди. 16 гигабайтли ички хотирага эга ушбу аппаратни 1,5 метр сув тубида ҳам ишлатса бўлади.

# 13 ёшли қиз Марсга учиши мумкин

*Марсга парвоз қиладиган илк инсон бу йил 13 ёшга тўлган Алиса Карсон исмли қизалоқ бўлиши мумкин.*



Гап шундаки, NASA космик агентлиги “қизил сайёра”га учадиган астронавтни тайёрлаш дастурида айнан шу қиз билан ишлашга келишиб олган.

Алиса астронавт бўлиш мақсадида тўққиз йилдан бери ўз устида тинимсиз меҳнат қилиб келаяпти. Бу вақт ичида у NASAнинг астронавтларни тайёрловчи ёзги болалар оромгоҳида уч мавсум давомида махсус синовдан ўтди.

Космик кемаларда ҳаракатланиш қоидаларини мукаммал ўрганган бу қизалоқ жисмоний тарбия билан ҳам мунтазам шуғулланади. Бундан ташқари, у инглиз, испан, хитой ва француз тилларида бемалол сўзлаша олади.

# Ўсиш суръати юқори

*Жорий йил якунлари бўйича Хитой Халқ Республикасининг харид қобилияти паритети АҚШ ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) кўрсаткичларидан ўзиб кетади.*



“Рейтер” хабарига кўра, бу ҳақда Халқаро валюта жамғармасининг тарқатма материалларида маълум қилинган.

Қайд этилишича, йил охиригача Хитойда ЯИМ ҳажми 17,63 триллион долларни ташкил қилади. АҚШда эса мазкур кўрсаткич 17,42 триллион долларга етади. Экспертлар 2015 йилда ҳам Хитойнинг ЯИМ ўсиши бўйича ижобий кўрсаткичларга эришишига ишонч билдиришмоқда.

# Вирус қамрови кенгаймоқда

*Айни пайтда дунё жамоатчилигини “Эбола” вируси катта хавотирга солаяпти.*



Куни кеча АҚШда ҳам ушбу вирус билан хасталанган бир киши аниқланган. Маълум бўлишича, у Ғарбий Африкада мазкур касалликни юқтириб олган. Шу боис океанорти мамлакатларида вирус тарқалишининг олдини олиш ишлари кескин кучайтирилган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозиргача “Эбола” вирусидан ҳалок бўлганлар сони 3879 нафарга етган. Шунингдек, яна 8033 нафар одам ушбу касаллик билан зарарланган.

Таъкидлаш кераккки, айни пайтда “Эбола” вируси билан хасталаниш Сьерра-Леоне, Гвинея, Либерия, Нигерия, Сенегал ҳамда Конго Демократик Республикасида авж олган. Ўтган ҳафта Испанияда ҳам бу касалликни юқтириб олган бемор қайд этилган.

# Хавф-хатар бартараф этилди

*Малайзия пойтахти — Куала-Лумпур шаҳрида қўпорувчилик амалга оширилди.*

Полиция вакилларининг айтишича, портлаш оқибатида бир киши ҳалок бўлган. Жароҳатланганлардан 14 нафари шифохонага ётқизилган. Дастлабки суриштирув натижаларига кўра, портловчи мослама кўп қаватли савдо комплексининг ойнасидан улоқтирилган бўлиши мумкин.

Хунрезлик содир этилган ҳудуд синчиклаб текширилганда, яна бир автомобилда портловчи восита мавжудлиги аниқланди ва у тезлик билан бартараф этилди.

Ҳозирча қўпорувчилик ким томонидан ва қандай мақсадда амалга оширилгани ҳақида маълумот йўқ.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***



Жаҳон 24 соат ичида: Франкфурт шаҳрида дунёдаги энг йирик китоб ярмаркаси бошланди. Унда жаҳоннинг 102 мамлакатидан етти мингдан зиёд нашриёт вакиллари қатнашмоқда.

## Футбол

*Қитъамизнинг Мьянма мамлакатида ёшлар ўртасида (U-19) Осиё чемпионати баҳслари бошланди. Мазкур биринчиликда жами 16 та терма жамоа тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда мусобақа ғолиблиги ва Жаҳон чемпионати йўлланмаси учун кураш олиб боради.*

# Ёшларимиз Осиё чемпионлиги учун курашади

Хусусан, ушбу нуфузли турнирда Равшан Ҳайдаров бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳам қатнашмоқда.



Тақвимга кўра, вакилларимиз мусобақанинг “B” гуруҳида Индонезия, БАА ҳамда Австралия ёшлар терма жамоаларига қарши баҳс юритади. Бугун Равшан Ҳайдаров шогирдлари дастлабки турда индонезиялик тенгдошларига қарши майдонга тушади. 12 октябрда бўлиб ўтадиган иккинчи тур беллашувларида ҳамюртларимиз БАА, 14 октябрь куни ташкил этиладиган сўнгги учрашувда эса Австралия ёшлар терма жамоаси билан куч синашади.

Осиё чемпионати ўйинларига Мьянманинг икки шаҳри — Янгон ва Нейпидо мезбонлик қилаётир. Ёш футболчиларимиз ўйинларни Янгондаги “Thuwunna” стадионида ўтказади. Агар терма жамоамиз гуруҳ баҳслари ва чорак финалдан муваффақиятли ўтиб, ярим финал босқичига йўл олса, 2015 йили ёшлар ўртасида уюштириладиган Жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади.



Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси шу пайтгача 3 маротаба — 2003, 2009 ва 2013 йиллардаги мундиаль баҳсларида қатнашган, 2008 йили эса қитъа биринчилигида кумуш медаль билан тақдирланган.

***Осиё чемпионатига йўл олган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси таркиби:***

**Дарвозабонлар:**
Дилшод Ҳамроев (“Қизилқум”), Сарвар Каримов (“Локомотив”), Ботирали Эргашев (“Пахтакор”).

**Ҳимоячилар:**
Акром Комилов, Хуршид Ғиёсов (“Бунёдкор”), Одил Ҳамробеков (“Насаф”), Иброҳим Абдуллаев (“Пахтакор”), Достон Турсунов (“Нефтчи”), Фирдавс Абдусалимов (“Динамо”), Рустам Ашурматов (“Қўқон-1912”).

**Ярим ҳимоячилар:**
Отабек Шукуров (“Машъал”), Жавоҳир Соҳибов, Жавоҳир Сиддиқов, Жамшид Болтабоев, Илҳом Абдуғаниев, Равшан Хурсанов (“Пахтакор”), Миржамол Қосимов, Сардор Азимов (“Бунёдкор”), Бобур Давлатов (“Рубин”, Россия).

**Ҳужумчилар:**
Достон Ҳамдамов, Забиҳилло Ўринбоев (“Бунёдкор”), Элдор Шомуродов, Аслиддин Абдиев (“Машъал”).

**Суннатилла ИСЛОМОВ тайёрлади.**

# «Буюк Ипак йўлидаги Ўзбекистон: тарих, маданият ва сайёҳлик»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Испанияда ўзбек халқининг тарихи, маданияти ва анъаналарини ўрганишга қизиқиш катта, — деди **“Casa Asia” институтининг дастурлар директори Рафаэль Буэно.** — Халқ дипломатияси доирасида Испаниядаги энг илғор ташкилотларнинг бири бўлган институтимиз Ўзбекистон билан ҳамкорликдан, жумладан, маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтиришдан манфаатдордир. Қўшма тадбирларимиз икки мамлакат халқлари ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатликнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

— Буюк Ипак йўлининг деярли икки минг йиллик тарихи давомида Ўзбекистон доимо унинг муҳим бўғини бўлиб келган, — деди **профессор Хесус Хил.** — Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларининг Шарқ жавоҳирлари ҳисобланиши бежиз эмас. Бугун бутун дунё ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва ўзбек халқининг бошқа буюк аждодлари жаҳон илм-фани тараққиётига қўшган улкан ҳиссасини эътироф этмоқда. Уларнинг асарлари ва таълимотлари Буюк Ипак йўли орқали нафақат Европага етиб борган, балки Уйғониш даврининг юзага келишига катта туртки берган.

— Мен бир неча маротаба Ўзбекистонга бориб, мамлакатнинг мустақил ривожланиш йиллари мобайнида қўлга киритган улкан ўзгаришларининг гувоҳи бўлганман, — дейди Испаниянинг **“Catai Tours” сайёҳлик компанияси раҳбари Цезарь Херрерио.** — Республикада сайёҳлик соҳасини ривожлантиришга қаратилаётган эътибордан ҳайратга тушдим. Бугунги кунда Ўзбекистон қўлга киритган энг катта муваффақият, бу — тинчлик ва хотиржамлик, деган фикрга қўшиламан. Мен ҳам Ўзбекистонни минтақадаги барқарорлик ороли, деб ҳисоблайман. Осойишталик ва фаровонлик эса сайёҳлик тараққиётининг гаровидир.

XIII Осиё санъат фестивалида иштирок этиш учун Барселонага келган “Мумтоз Наво” мусиқа гуруҳининг чиқишлари тадбирнинг маданий қисмига алоҳида шукуҳ бағишлади. Шунингдек, анжуман қатнашчилари ўзбек анъанавий миллий таомлари ва ширинликларидан татиб кўриш имконига ҳам эга бўлдилар.

**«Жаҳон» АА.**
Мадрид

# «Илҳомбахш ҳаёт»

Кеча пойтахтимиздаги «Дархон» бизнес марказида шу мавзуда фотокўргазма очилди.

### ФОТОБИЕННАЛЕ — 2014

“Ўхшашлик. Тасаввур ва борлиқ” шиори остида Тошкент ҳамда Бухоро шаҳарларида ўтказилаётган еттинчи халқаро фотобиеннале доирасида ташкил этилган ушбу кўргазмада тегишли вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари, кенг жамоатчилик вакиллари, хорижлик фотографлар ҳамда санъатсевар ёшлар қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда фотография санъати изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Айниқса, келажагимиз суянчи ва таянчи бўлган умидли ёшлар ўз иқтидор ҳамда истеъдодларини кенг намойиш қилаётгани қувонарлидир. Хусусан, кўргазмада Муҳиддин Али ва Динара Д. ижодий жуфтлигининг спорт билан шуғулланувчи турли ёш ҳамда касбдаги инсонларнинг соғлом турмуш тарзи фалсафасини ифодалайдиган ёрқин фотоасарлари томошабинларда илиқ таассуротлар уйғотмоқда.

Навқирон ижодкорлар инсоннинг жисмоний имкониятларини суратларга муҳрлашга ҳаракат қилишган. Асарларга профессионал спортчилар эмас, балки спорт билан шуғулланиш учун вақт ажрата олган турли тоифадаги кишиларнинг қаҳрамон сифатида танлаб олингани “Қайси ёшда бўлишига қарамасдан, спорт инсонни яшаш ва ижод қилишга, энг яхши нарсаларга интилишга ва ҳам жисмонан, ҳам маънан кучли бўлишга илҳомлантиради”, деган эзгу ғоянинг ҳаётийлигини тасдиқлайди.

— Ушбу лойиҳа кўплаб машҳур ва фаол шахсларнинг жамоатчилик учун номаълум жиҳатларидан бохабар этиши билан қизиқарлидир, — дейди кўргазма муаллифларидан бири Муҳиддин Али. — Айтайлик, йога билан шуғулланаётган таниқли хонанда, армрестлингда куч синашаётган телебошловчи, оғир атлетикага қизиқувчи тадбиркор, гимнастика борасидаги кўникмаларини ҳар куни ошириб борадиган беш яшарли қизалоқ — тақдим этилган кўплаб образларнинг бир қисми холос.

— Олимлар спорт билан мунтазам шуғулланиш ўқиш ва иш самарадорлигини оширади, деб бежиз айтишмаган, — дейди фотобиеннале иштирокчиларидан бири Акбар Эргашев. — Очиғи, 5 ёшдан 78 ёшгача бўлган замондошларимизнинг ноанъанавий портретларини кўриб, ҳам ҳайратландим, ҳам завқландим.

Ушбу кўргазма 12 октябрга қадар давом этади.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Табиий бўёқлар жилоси

Анъанавий гиламдўзликда, асосан, сунъий бўёқлардан фойдаланилади. Аммо вақт ўтган сари улар ўз жилосини йўқота боради.

### ТАДБИРКОРЛИК

Қарши педагогика коллежи ўқувчиси Гулбаҳор Турдиева бу муаммонинг ечимини топди. У анор пўчоғидан қизил, ёнғоқ баргидан яшил ва ушбу дарахт пўстлоғидан малла рангни ажратиб, уларни ўзи тўқийдиган терма ҳамда атласнусха гиламлардаги нақшлар билан уйғунлаштирди. Натижада табиий бўёқлар билан ишлов берилган гиламлар узоқ вақт сифатини йўқотмайдиган бўлди. Эътиборлиси, Гулбаҳорнинг бу муваффақияти “Ишбилармон талаба — 2014” кўрик-танловида ҳам алоҳида эътироф этилиб, унинг ишлари биринчи ўринга лойиқ, деб топилди.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### ШИФОБАХШ НЕЪМАТЛАР

*Юртимизга пишиқчилик мавсуми — куз келиши билан табиат неъматлари бозорларни тўлдира бошлайди. Қовоқ шулардан бири бўлиб, халқимиз уни “Саломатлик ёмбиси” дея бежиз эъзозламайди.*



# Ҳам мазали, ҳам фойдали

Буни қарангки, ошқовоқнинг уруғи ҳам худди ўзи сингари табиий дорихона экан. Сабаби, унинг таркибида кўп миқдорда мой, кальций ва магний маъданлари, оқсиллар, биологик фаол моддалар, темир, $B_3$ ва $B_6$ дармондорилари, шунингдек, бир қанча кимёвий моддалар мавжуд. Шунинг учун у шамоллаш ва онкологик касалликларнинг олдини олишда энг яхши омил ҳисобланади.

Қолаверса, ошқовоқ уруғи суяк тўқималарини мустаҳкамлаш, асаб толалари ва мускуллар фаолиятини яхшилаш, юрак-қон томир тизими касалликларини даволаш хусусиятига ҳам эга. Бундан ташқари, гижжага қарши яхши самара беради. Бунинг учун 300 гр. ошқовоқ уруғининг мағзи олиниб, 50-100 гр. асал ёки мураббо қўшилади-да, 50 мл. сув билан аралаштирилади (бу жараёнда ошқовоқ уруғининг ички қобиғидаги кўкиш парда сақлаб қолиниши керак). Малҳамни наҳорда 1 чой қошиқдан қабул қилиб, орадан 4 соат ўтгач, енгил сургидори ичиш мақсадга мувофиқдир.

Ошқовоқ уруғи дамламаси эса буйрак ва қовуқ хасталигидан фориғ қилади. Уни тайёрлаш эса жуда осон: 1 ошқошиқ майдаланган уруғ 200 мл. қайноқ сувга солиниб, 30 дақиқа дамлаб қўйилади. Сўнгра ундан 7 кун давомида бир маҳалдан ичилса, кифоя.

Простата бези яллиғланиши (простатит) ва пешоб йўли касалликларида, шунингдек, болалардаги тунги пешоб келиши (энурез)да ҳам қовоқ уруғлари тавсия этилади.

Тушкун кайфият чулғаб олган кишилар эса ўртача катталикдаги ошқовоқ уруғини 15 гр. сариёғ ёки 1 ошқошиқ зайтун мойида қовуриб, истеъмол қилса борми, бир зумда ҳушёр тортади. Шундай экан, доимо соғлом ва қувноқ юрай десангиз, қовоқ истеъмол қилишни канда қилманг.

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доришунос.**




*Андижон давлат университети профессори, кимё фанлари доктори Иброҳимжон Асқаров илмий раҳбарлигида энергия тежайдиган электр иситкич қурилмаси яратилди.*

# Янги электр иситкич

Бунинг учун дастлаб янги металлсимон қотишма ихтиро қилинди. Эътиборлиси, мазкур қотишма электр энергияни кам сарфлаб, кўп иссиқлик ажратиш хусусиятига эга.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, юз минг дона шундай иситкич қўлланилганда, одатдагига нисбатан 2 миллион 160 минг кВт электр энергияси тежалади. Шу билан бирга, экологияга етказиладиган зарар миқдори 50 фоизгача қисқаради. Бундан ташқари, ушбу қотишмадан тайёрланган қурилма ўзининг чидамлилиги билан ҳам ажралиб туради.

**Саидаҳмад ШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Масофадан бошқариш мосламаси

*“Бухоро ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” очиқ акциядорлик жамиятининг Қоровулбозор тумани электр таъминоти корхонаси ёш муҳандиси Жамшид Гулов электр пайвандлаш қурилмаси учун масофадан бошқариш мосламасини яратди.*

Мутахассисларнинг эътироф этишича, бу қурилма пайвандлаш жараёнида электр энергияни эллик фоизгача тежаш имконини беради. Тиниб-тинчимас муҳандис электромонтёрларнинг хавф-хатардан холи ишлашларини таъминловчи яна бир ихтирога қўл урди: соҳа ходимларининг ҳимоя каскасига хавфдан огоҳлантирувчи қурилма ўрнатди. Бу, хусусан, юқори электр кучланишли линияларда ишловчи электромонтёрлар учун айни муддао бўлди.

“Интилганга толе ёр” деганларидек, яқинда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ташкил этилган “Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси” республика танловида қатнашган Жамшид Гулов “Энг фаол ёш энергетик” номинациясида биринчи ўринга лойиқ кўрилди.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Травматология ва ортопедия илмий текшириш институти жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор **Шаҳоб Шамсиевич ҲАМРАЕВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Реклама



«OHAUS» тарозилари
Ишончли
Аниқ
Кенг танлов
www.fortek.uz
Маҳсулот сертификатланган.
FORTEK «OHAUS» компаниясининг расмий дистрибьютори
Тел.: (+998 71) 268-57-20, 268-57-50. e-mail: office@fortek.uz
Факс: (+998 71) 267-71-90. web: www.fortek.uz
1486R/751

VEGA ERP
Корхонани бошқаришни автоматлаштириш
VEGA ERP система



Корхонани бошқаришнинг самарали воситаси
Омбордаги захираларни бошқариш
Ишлаб чиқаришни бошқариш
Маблағларни режалаштириш
Ходимлар менежменти
Корхонанинг ҳисоботи
www.vega.uz
Барча ҳуқуқлар ҳимояланган © 2014 “VEGA”
Тел.: (+998 71) 268-59-64, 268-59-65. e-mail: info@vega.uz
Факс: (+998 71) 267-71-90. web: www.vega.uz
1505R/751

WWW.XS.UZ — Андижон: Балиқчи, Бўз, Избоскан ва Олтинкўл туманларининг кўп тармоқли марказий поликлиника ҳамда шифохоналарига Японияниг “Шумадзи” компаниясида ишлаб чиқарилган замонавий рентген аппаратлари ўрнатилди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1067. 75 792 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.10 Топширилди — 23.30 1 2 3 4 5